

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
Ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар
муаммолари илмий-тадқиқот институти**

**ЁНҒИННИ АВТОМАТИК ТАРЗДА ЎЧИРИШ ВА ЁНҒИН
СИГНАЛИЗАЦИЯСИ ҚУРИЛМАЛАРИНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ,
СОЗЛАШ, ТАЪМИРЛАШ ҲАМДА УЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА

ТОШКЕНТ - 2022

УДК 614.8.084

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар муаммолари илмий – тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган.

Муаллифлар: С.Джураев, Р.Турсунов, Б.Мухитдинов

Ўзбекистон Республикаси ФВВ ЁХваФВ ИТИ Илмий-техник кенгаши томонидан муҳокама қилиниб, босмаланишга тавсия этилди (2022 йил 24 майдаги 2-сон баёни).

Ушбу услубий тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” 2021 йил 14 июлдаги ЎРҚ-701-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 25 февраль кундаги 88-сон қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, юридик шахсларга “Лицензия” ахборот тизими ёрдамида хабардор этиш тартибидан мустақил равишда ўтиш жараёнида ҳамда фаолиятни амалга ошириш даврида дуч келиши мумкин бўлган тўсиқ ва муаммоларни ҳал этишларига хизмат қилади.

© С.Джураев, Р.Турсунов, Б.Мухитдинов, 2022

КИРИШ

Сўнгги йилларда республикада ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни такомиллаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишларда олиб борилган ишлар лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини либераллаштириш ҳамда институционал ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаш учун мустаҳкам асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил январь ойида Олий Мажлисга қилган муурожаатномасида тадбиркорларни кўп қийнайдиган соҳа -лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибларини жиддий ўзгартириш ҳақида топшириқлар берилган эди.

Топшириққа асосан тегишли вазирликлар томонидан соҳа мутахассислари ва тадбиркорларнинг таклифлари асосида республикада бизнес муҳитни яхшилашга қаратилган тизимли ишлар олиб борилди.

Мана шундай ишлардан бири бу лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 августидаги ПФ-6044-сон Фармони ҳисобланади. Ушбу Фармон билан соҳада илғор ислохотлар амалга оширилиши бошланди. Лицензияланадиган ва рухсатнома олиш талаб этиладиган фаолият йўналишлари сони сезиларли равишда қисқартирилиб, соҳага илк мартаба **хабардор қилиш тартиби** алоҳида институт сифатида жорий этилди.

Мазкур Фармон билан 2021 йил 1 январдан бошлаб, “Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақлаш сигнализацияларини монтаж қилиш, сошлаш,

таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш” бўйича лицензиявий фаолият бекор қилиниб, ўрнига “Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабардор қилиш” тартиби жорий этилди. Шунингдек, Фармон билан **114 та** лицензиялар ва рухсатномалар бекор қилинди, **33 та** фаолият турлари хабардор қилиш тартибига ўтказилди.

Бундан ташқари, 2021 йил 14 июль куни Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” ЎРҚ-701-сон Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан, ваколатли органларни хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган **33 та** фаолият турлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқланган.

(Маълумот учун: Қонун қабул қилиниши муносабати билан ушбу соҳага оид 2 та Қонун, 1 та Олий Мажлис қарори, 2 та Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 100 га яқин Ҳукумат қарорлари ўз кучини йўқотди)

Ваколатли органларни хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турларини тартибга солиш мақсадида 2022 йил 25 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг “Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги даги 88-сон қарори қабул қилинди.

I-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу тавсиянома хабардор қилиш талаб этиладиган “Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабардор қилиш” фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган юридик шахсларга “Лицензия” ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида ваколатли органга (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги) хабарнома юбориш ва тўлдириш кўникмаларини шакллантириш ҳамда фаолиятнинг талаб ва шартлари билан таништириш усуллари ўз аксини топган.

2. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган юқоридаги фаолият тури билан хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органни хабардор қилмасдан шуғулланиш тақиқланади.

3. Ушбу услубий тавсияномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

хабардор қилувчилар – ваколатли органга хабарнома юборган ва хабарномалар реестрига киритилган юридик шахслар;

хабарнома – хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишни бошлаш (тугатиш) учун хабардор қилувчилар томонидан ваколатли органга юбориладиган маълумотлар;

ваколатли орган — тегишли фаолият тури бўйича хабарномаларни қабул қилувчи, хабардор қилиш тартиби амалга ошириладиган фаолият турини тартибга солувчи ва хабарномалар реестрини юритувчи давлат органи (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги);

“Лицензия” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Лицензия” АТ) — лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олган, идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлган тизим;

тасдиқнома - хабардор қилувчилар ўз фаолиятини бошлагани ёки тугатгани ҳақида ваколатли органни хабардор қилганини тасдиқловчи, “Лицензия” АТ орқали автоматик тарзда шакллантириладиган, матрицали штрих кодга (QR-код) эга бўлган ва ушбу қўланмага **1-иловада** келтирилган намунавий шаклдаги электрон ҳужжат;

фаолиятни амалга оширишнинг талаблари ва шартлари – хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури билан шуғулланишда хабардор қилувчилар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори билан тасдиқланган ягона Низом 9-иловасида келтирилган паспортда белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуи (кейинги ўринларда — паспорт, тавсияноманинг **2-иловасида** келтирилган);

хабарномалар реестри – фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга ошираётган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган хабардор қилувчилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ваколатли органларнинг маълумотлар базалари;

шикоят – ваколатли органнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлигидан) норози бўлган ҳолда, хабардор қилувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаати.

4. Хабарнома “Лицензия” АТ ёки ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

II-боб. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари

5. “Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабардор қилиш” тартибида амалга ошириладиган фаолиятга доир талаблар ва шартлар қуйидагилар ҳисобланади:

а) паспортнинг 9-бандида келтирилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

б) хабарномада кўрсатилган ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш;

в) ходимлар билан янги меҳнат шартномалари тузилганлиги, шартномаларга ўзгартиришлар киритилганлиги ва уларни бекор қилиш ҳолатларини, шунингдек, амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги ахборотни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

г) хабардор қилувчиларнинг номи, юридик манзили ўзгарганлиги рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ёки филиал ва ваколатхона очилгандан сўнг ваколатли органга **ўн иш куни** ичида “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали хабар бериш.

6. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартларни қўпол равишда бузишга доир ҳолатлар паспортда белгиланган.

III-боб. Хабарнома юбориш ва уни ҳисобга олиш тартиби

7. Хабардор қилувчи (унинг номидан иш юритишга ваколатли шахс) ваколатли органга (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги) электрон

рақамли имзодан фойдаланган ҳолда махсус “Лицензия” АТ (license.gov.uz) ёки ЯИДХП орқали **“Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаш ёки тугатиш учун”** хабарнома юборади.

8. Хабарномани юборишда амалга оширилиши режалаштирилаётган фаолият тури ёки унинг бир қисми танланади ва тегишли фаолият тури учун паспортнинг 6-бандида назарда тутилган маълумотлар киритилади (юкланади).

Бунда хабарномага илова қилинадиган (юкланадиган) тегишли ҳужжатлар электрон шаклда (PDF, PNG ёки JPEG форматда) бўлиши керак. Хабарномаларни “Лицензия” АТ ёрдамида юбориш кетма-кетлиги ушбу тавсияномага **3-иловада** келтирилган тартиб орқали амалга оширилади.

*(Маълумот учун: хабардор қилувчиларнинг доимий рўйхатида бўлган ходимларнинг тегишли ихтисослик бўйича махсус тайёргарликдан ёки малакасини оширганлиги тўғрисида сертификат ёки гувоҳномаларни берувчи ташкилотлар рўйхати **License.gov.uz** сайти “реестр” саҳифаси, “нодавлат кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш” бўлимида жойлаштирилган.)*

9. Хабардор қилувчилар “Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаш учун” хабарномани юборишда паспортнинг 9-бандида назарда тутилган талаблар ва шартларга мувофиқ эканлигини тасдиқлаши лозим.

10. Хабардор қилиш талаб этиладиган фаолиятни амалга ошириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 (эллик) фоиз** миқдорида йиғим ундирилади.

11. Хабардор қилувчилар ваколатли органга юборилган хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир. Хабарномага киритилган маълумотлар “Лицензия” АТ орқали идоралараро ҳамкорлик тизимларида мавжуд маълумотлар асосида автоматик тарзда таққосланади ва ўрганилади.

12. Хабарнома қуйидаги ҳолларда автоматик тарзда қабул қилинмайди:

а) нотўғри ёки ёлғон ахборот киритилганлиги “Лицензия” АТ орқали аниқланганда;

б) ушбу қўланманинг 10-бандида назарда тутилган йиғим тўланмаганда;

в) фаолиятни хабардор қилиш тартибида амалга ошириш учун белгиланган талаблар ва шартларга риоя этилганлиги ҳамда улар бажарилганлиги тасдиқланмаганда;

г) агар хабардор қилувчилар аввал хабарномалар реестрига айнан ўша фаолият бўйича киритилган бўлса ва уларнинг фаолияти амалга оширилаётган бўлса;

д) ваколатли орган ёки суд томонидан хабардор қилувчиларнинг фаолияти муайян муддатга тўхтатиб турилганда;

е) хабардор қилувчилар томонидан тегишли фаолиятни амалга ошириш суднинг қарорига асосан тақиқланганда.

Ушбу бандда кўрсатиб ўтилган ҳолатлардан ташқари бошқа асослар билан хабарномани қабул қилмасликка йўл қўйилмайди.

13. Белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда юборилган хабарнома “Лицензия” АТ махсус электрон тизим орқали автоматик тарзда қабул қилинади ва хабардор қилувчига хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида **QR-кодга** эга тасдиқнома хабардор қилувчининг шахсий кабинетида автоматик тарзда шаклланади.

14. Тасдиқнома юборилган хабардор қилувчилар тўғрисидаги ахборот хабарномалар реестрида автоматик равишда шакллантирилади.

IV-боб. Фаолиятни назорат қилиш тартиби

15. Хабарномалар реестрига киритилган ҳамда фаолиятини амалга ошираётган хабардор қилувчиларнинг белгиланган талаблар ва шартларга риоя этиши ваколатли орган томонидан назорат қилинади.

16. Назорат қилиш қуйидаги шакллар бўйича амалга оширилади:

а) “Лицензия” АТ орқали хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши бўйича **масофавий мониторинг**;

б) хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини асослар мавжуд бўлган тақдирда ва текширувларни мувофиқлаштирувчи ваколатли орган (Бизнесомбудсмен) билан белгиланган тартибда келишилганда **жойига чиққан ҳолда текшириш орқали**;

в) хабардор қилувчиларнинг фаолияти билан боғлиқ **статистик ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали**.

17. Ваколатли орган масофавий мониторингни амалга ошириш жараёнида хабардор қилувчилар томонидан паспортнинг 9-бандида белгиланган талаблар ва шартларни бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, **ўн иш кунидан** кам бўлмаган муддатда аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан хабардор қилувчиларга “Лицензия” АТдаги шахсий кабинетига огоҳлантириш хати юборилади. Бунда хабардор қилувчиларнинг фаолиятини тўхтатишга йўл қўйилмайди.

18. Огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддатда хабардор қилувчилар аниқланган ҳолатларни бартараф этмаса ва бу ҳақда ваколатли органни “Лицензия” АТ орқали хабардор қилмаса,

ваколатли орган жойига чиққан ҳолда текшириши мумкин. Жойига чиққан ҳолда текшириш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

а) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда «хавфни таҳлил этиш» тизими натижалари;

б) жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, **жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари**;

в) “Лицензия” АТ орқали хабарнома юбориш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузишга доир **жисмоний шахсларнинг маълумотлари**.

19. Тавсияноманинг 18-бандида назарда тутилган текширишлар белгиланган тартибда Бизнесомбудсмен билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилиши жойга чиққан ҳолда **ўн кунгача** бўлган муддатда текширилади.

V-боб. Хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини тўхтатиш, қайта тиклаш ва тугатиш тартиби

§-1. Фаолиятни тўхтатиш

20. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) қуйидаги асосларга кўра муайян муддатга тўхтатиб турилади:

а) ваколатли органнинг ташаббусига биноан (паспортнинг 9-бандида назарда тутилган талаблар ва шартларга амал қилиши юзасидан);

б) хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги иш судда кўриб чиқилганда, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар.

21. Ваколатли орган (унинг ҳудудий бошқармалари) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилувчиларнинг фаолиятини текшириши даврида ушбу фаолиятини тўхтатиш асослари аниқланган тақдирда далолатнома расмийлаштиради ва хабардор қилувчилар (ёки уларнинг вакили) далолатнома билан таништирилади (имзоси олинади). Агарда хабардор қилувчилар (ёки уларнинг вакили) далолатнома билан танишишдан бош тортган тақдирда, далолатномага бу ҳақда тегишли маълумот киритилиб, ҳолис гувоҳлар иштирокида расмийлаштирилади.

22. Расмийлаштирилган далолатнома электрон шаклда (PDF форматда) ваколатли орган томонидан **бир иш куни** ичида “Лицензия” АТ орқали хабардор қилувчиларнинг шахсий кабинетига юборилади. Бунда далолатнома юборилган кундан хабардор қилувчилар у билан таништирилган ҳисобланади.

23. Далолатнома юборилган кундан бошлаб **бир иш куни** ичида ваколатли органнинг биринчи раҳбари хабардор қилувчиларнинг фаолиятини **ўн иш кунидан** ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиш ва ушбу муддатда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилади.

24. Қабул қилинган қарор шу куннинг ўзида “Лицензия” АТ орқали хабардор қилувчиларнинг шахсий кабинетига юборилади ва хабарномалар реестрида фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисида тегишли маълумот киритилиб, фаолият муайян муддатга тўхтатилган ҳисобланади.

25. Хабардор қилувчилар ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни муайян муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор келиб тушган кундан эътиборан қарорда кўрсатилган муддатда аниқланган ҳолатларни бартараф этиши ва асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда “Лицензия” АТ орқали ваколатли органга юбориши лозим.

26. Ваколатли орган (унинг ҳудудий бошқармалари) камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги хабарни ва бу ҳақда асослантирувчи ҳужжатларни олгандан сўнг **беш иш куни** ичида маълумотларни таҳлил қилади, заруратга бўлганда жойига чиқиб ўрганади ва бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилади.

27. Агар хабардор қилувчилар камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида хабарни ва асослантирувчи ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг **беш иш куни** ичида ваколатли орган фаолиятни қайта тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилмаса, хабардор қилувчиларнинг фаолияти қайта тикланган ҳисобланади ва хабарномалар реестрида автоматик равишда бу ҳақда маълумот чиқади.

§-2. Фаолиятни қайта тиклаш

28. Тавсияноманинг 26-бандига асосан далолатнома расмийлаштирилгандан сўнг **бир иш куни** ичида ваколатли орган:

а) хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилади;

б) хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорнинг электрон шаклини хабардор қилувчиларнинг “Лицензия” АТ орқали шахсий кабинетига орқали юборилади;

в) хабардор қилувчиларнинг фаолияти қайта тикланганлиги тўғрисидаги маълумотни хабарномалар реестрига киритилади.

§-3. Фаолиятни тугатиш

29. Хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти қуйидаги ҳолатларда тугатилади:

а) хабардор қилувчилар томонидан ўз фаолиятини тугатиш тўғрисида ваколатли органга юборган хабарномага;

б) ушбу қўланмада назарда тутилган талаблар ва шартлар бузилган тақдирда, суднинг қарорига асосан.

30. Хабардор қилувчилар ўз фаолиятини тугатиши тўғрисида “Лицензия” АТ шахсий кабинети орқали соддалаштирилган тартибда ваколатли органга хабарнома юборади. Бунда алоҳида маълумот ва ҳужжатларни “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПга киритиш талаб этилмайди ҳамда хабарнома юборилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

31. Фаолиятни (ҳаракатларни) тугатиш тўғрисидаги хабарнома юборилгандан сўнг, хабардор қилувчиларнинг фаолияти хабарномада кўрсатилган санадан тугатилган ҳисобланади ва бу ҳақда хабарномалар реестрида автоматик тарзда белги қўйилади.

32. Хабардор қилувчиларнинг фаолиятни тугатиш тўғрисидаги ариза судга ваколатли орган томонидан қуйидаги ҳолларда берилади:

а) хабардор қилувчилар томонидан фаолиятни бошлаш тўғрисида юборилган хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ёлғон ёки нотўғри эканлиги аниқланганда;

б) паспортларда белгиланган талаблар ва шартлар бузилишига олиб келган камчиликлар хабардор қилувчилар томонидан белгиланган муддатда бартараф этилмаганда;

в) белгиланган талаблар ва шартларни мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) ёки бир марта қўпол равишда бузганда, агар бу қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари поймол қилинишига, жамоат хавфсизлиги ҳолати ёмонлашишига ва атроф муҳитга зарар етказилишига олиб келган бўлса.

Ушбу ҳолларда ваколатли орган ушбу ҳолат юзасидан мазкур тавсияноманинг 21-бандига асосан далолатнома расмийлаштиради

ва **бир иш куни** ичида хабардор қилувчиларнинг “Лицензия” АТ орқали хабардор қилувчининг шахсий кабинетига юборади.

33. Далолатнома расмийлаштирилгандан сўнг, ваколатли орган **беш иш куни** ичида судга хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибидаги фаолиятни тугатиш ҳақида даъво аризасини тақдим этади.

Судга тақдим этилган даъво аризасининг электрон шакли (PDF форматини) “Лицензия” АТ орқали хабардор қилувчиларнинг шахсий кабинетига юборилиши ҳамда бу ҳақда хабарномалар реестрига тегишли маълумотлар киритилади.

34. Ваколатли орган **беш иш куни** ичида судга хабардор қилувчиларнинг фаолиятини тугатиш ҳақда даъво аризасини киритмаса, хабардор қилувчиларнинг фаолияти қайта тикланган ҳисобланади ва хабарномалар реестрида автоматик равишда бу ҳақда маълумот чиқади.

35. Фаолиятни тугатиш тўғрисидаги даъво аризаси судда кўриб чиқилиб, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар хабардор қилувчиларнинг фаолияти тавсияноманинг 20-банди б) кичик бандига кўра муайян муддатга тўхтатиб қўйилади.

36. Ваколатли орган ушбу тавсияноманинг 32-бандида назарда тутилган ҳолатлар юзасидан судга тақдим этадиган аризасида хабардор қилувчилар томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларнинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда **уч ойгача бўлган муддатга** хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини тақиқлаш тўғрисида талаб қўйиши мумкин. Бунда хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни амалга оширишни тақиқлашнинг аниқ муддати суд томонидан қонунда белгиланган тартибда аниқланади.

37. Суднинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг, ваколатли орган **уч иш куни**

ичида бу ҳақда хабарномалар реестрига тегишли маълумотни киритади.

VI-боб. Ваколатли орган ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ва уни кўриб чиқиш тартиби

38. Хабардор қилувчилар Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни талабларга мувофиқ ваколатли орган ҳамда унинг мансабдор шахсларининг ўз фаолиятига тааллуқли бўлган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилишга ҳақли.

39. Хабардор қилувчилар томонидан юборилган шикоятлар Апелляция кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ кўриб чиқилади.

40. Хабардор қилувчилар шикоят юзасидан Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган қарор натижасидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда судга шикоят қилишга ҳақли.


VII-боб. Яқунловчи қоидалар

41. Хабардор қилиш соҳасида ягона низомда белгиланган талаблар ва шартларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

42. Фаолият учун белгиланган талаблар ва шартлар бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш назарда тутилиши мумкин.

43. Ваколатли орган хабардор қилувчиларга нисбатан қўллаган жавобгарлик чоралари, шунингдек, хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни тугатиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қаноатлантирилмаган тақдирда, хабардор қилувчиларга келтирган зарарларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплайди.

44. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари “Лицензия” АТ орқали хабардор қилиш соҳасида ягона низомда белгиланган талаблар ва шартлар бажарилишини доимий мониторинг қилиб боради.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ХАБАРНОМА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ ТУҒРИСИДА
ТАСДИҚНОМА
№ 021108
“МАХ ИТ” МЧЖ

Ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш

ТАСДИҚНОМА РЕЕСТРИ БЎЙИЧА ТАРТИБ РАҚАМИ
Х-141414

СТИР (СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИОН РАҚАМИ)
XXX XXX XXX

ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)
Тошкент шаҳар, Янги ҳаёт тумани, Уйсозлар кўчаси, 4-уй, 2-хонадон

ФАОЛИЯТ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН МАНЗИЛ
Тошкент шаҳар, Янги ҳаёт тумани, Уйсозлар кўчаси, 4-уй, 2-хонадон

ВАКОЛАТЛИ ОРГАН
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

09.02.2022
ТАҚДИМ ЭТИЛГАН САНА



Хабарнома Қабул Қилинганлиги Туғрисида Тасдиқнома № 021108

Фаолият тури

Ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ускуналарини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти

Ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти

Ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти ёки унинг бир қисми

License
SYSTEM



**Ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини
монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат
кўрсатиш фаолиятининг
ПАСПОРТИ**


1. Хабарнома номи:	Ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома
2. Хабардор қилиш тартибда амалга ошириладиган фаолият турлари:	Ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш
3. Хабардор қилувчи тоифаси:	Юридик шахс
4. Хабарномани қабул қилувчи ваколатли орган(лар):	Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
5. Хабарномани юбориш тартиби:	«Лицензия» АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали
6. Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:	а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР; б) почта ҳамда электрон почта манзили; в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда); г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди); д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзиллари, кадастр рақами); е) фаолият билан шугулланувчи шахснинг (раҳбарнинг) тегишли йўналиш бўйича олий маълумотга, «муҳандислик» йўналиши бўйича камида уч йил иш стажига ва махсус тайёргарликка эга бўлганлиги тўғрисида маълумотлар: фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса); паспорт рақами, серияси ёки идентификация ID-картаси рақами; ЖШШИР; телефон рақами; маълумот тўғрисидаги диплом ёки хорижий давлатда таълим олганлик ҳақидаги ҳужжатни тан олиш тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси; ишлар раҳбарининг тегишли ихтисослик бўйича махсус тайёргарликдан ўтгани ёки малака оширганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг (сертификат, гувоҳнома ва бошқа) PDF ёки JPEG форматдаги нусхаси; ё) фаолият билан шугулланувчи иш бажарувчиларнинг маълумоти: фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса); паспорт рақами, серияси ёки идентификация ID-картаси рақами; ЖШШИР; телефон рақами; маълумот тўғрисидаги диплом ёки хорижий давлатда таълим олганлик ҳақидаги ҳужжатни тан олиш тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси иш бажарувчиларнинг тегишли ихтисослик бўйича махсус тайёргарликдан ўтгани ёки малака оширганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг (сертификат, гувоҳнома ва бошқа) PDF ёки JPEG форматдаги нусхаси (камида 2 нафар ходимнинг маълумотлари киритилади).

7. Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги; Давлат солиқ қўмитаси; Давлат хизматлари агентлиги.
8. Хабарномани юбориш учун тўланадиган пингм миқдори:	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи
9. Хабардор қилиш тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:	а) юридик шахснинг доимий штатида электроника ва асбобсозлик, информатика ва ахборот технологиялари ва электротехника соҳасида «муҳандислик» йўналиши бўйича олий маълумотга, шунингдек, ушбу йўналишлар бўйича камида уч йил иш стажига ҳамда ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган ишлар раҳбарининг мавжуд бўлиши; б) ишлар раҳбари тегишли ихтисослик бўйича ҳар тўрт йилда камида бир мартаба махсус тайёргарликдан ўтиб малакасини ошириши ва буни тасдиқловчи тегишли ҳужжатга эга бўлиши; в) ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш юзасидан топширилган объектлар қисбини (реестрини) олиб бориш ва уларни ишлатишнинг бутун даврида лойиҳаларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг (ёки уларнинг нусхаларининг) сақланишини таъминлаши;* г) иш бажарувчилар қуйидаги тегишли малака, касб-ҳунар, техник маълумот(га) ёки йўналиш бўйича махсус курсларни тугатганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлишлари шарт**; ёнгинни автоматик тарзда ўчириш, монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича - қўлда электр пайвандловчи (газ билан пайвандловчи) ёки санитария-техник ускуналарни монтаж қилувчи 4-разряддан паст бўлмаслиги; ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича - электроника ва электротехника соҳасида 3-разряддан паст бўлмаслиги; д) юридик шахс доимий штатида бўлган ёки айрим ишларни бажариш учун ўзаро шартнома тузиш орқали жалб этилаётган субпудрат ташкилоти мутахассиснинг тегишли касб-ҳунар ёки техник маълумоти ва малакаси бўйича разрядини кўрсатиб ўтиши; е) хабардор қилиш тартибдаги фаолиятни амалга ошириш учун қуйидаги моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжуд бўлиши:** комбинациялаштирилган прибор (қурилма маркаси кўрсатилсин). мегометр (қурилма маркаси кўрсатилсин); шумомер (қурилма маркаси кўрсатилсин); электр қавшарлагич (электропаяльник); электр перфоратор; электр пирмадаста (электродрел); чилангар асбоблари тўплами; электр монтаж асбоблари тўплами; монтаж қилувчининг каскаси; монтаж қилувчининг белбоғи; нарвон; икки ёкка очиладиган нарвон; компрессор (ёнгинни автоматик тарзда ўчириш фаолияти учун татбиқ этилади); лойиҳа-смета ҳужжатларини сақлаш учун сейф;

	<p>20 кв.м.дан кам бўлмаган хизмат хонаси; 20 кв.м.дан кам бўлмаган асбоб-ускуналарни ва техник воситаларни сақлаш учун хона ёки махсус ажратилган жой. Бунда ўлчаш воситалари метрологик текширув (қиёслаш) натижалари бўйича мувофиқлик сертификатига эга бўлиши ҳамда ушбу сертификат муддатлари амалда бўлиши лозим; ё) хабардор қилувчи томонидан ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти тури билан шугулланишда, хабардор қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига, норматив ҳужжатлар ва стандартлар талабларига риоя этиши ва қуйидаги техник ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши: РДПБ 01-001:2007 «Автоматик ёнгин ўчириш қурилмалари. Ўрнатиш талаблари. Ишларни бажариш ва қабул қилиш қоидалари»; РДПБ 01-002:2007 «Ёнгиндан дарак бериш қурилмалари. Ўрнатиш талаблари. Ишларни бажариш ва қабул қилиш қоидалари»; РДПБ 01-003:2008 «Ёнгин автоматикаси қурилмалари. Техник хизмат кўрсатиш ва режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари»; РДПБ 01-004:2010 «Ёнгин ўчириш қурилмасининг, ёнгин ва кўриқлаш хабар жойларининг график шартли белгиланиши»; ШНК 2.04.09-2007 «Био ва иншоотларнинг ёнгин автоматикаси»; ж) ишларни бажариш вақтида ишлатиладиган маҳсулотлар ва материаллар лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларига, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ ҳамда тегишли сертификатларга ва техник паспортларга эга бўлиши; з) хабардор қилувчи томонидан объектларда ўрнатилган ёнгинни автоматик тарзда ўчириш, ёнгин сигнализация қурилмалари тўғрисидаги ахборотларнинг, шунингдек, объектни кўриқлаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш тизими тўғрисида хабардор қилиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида маълум бўлиб қолган бошқа маълумотларни муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қўрилиши; и) қурилмаларни монтаж қилиш жараёнида буюртмачи ва Давлат ёнгин назорати органлари билан келишмасдан, лойиҳавий ечимлар ёки кўрик далолатномасидан четга чиқиш ман этилади; й) ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларининг техник воситаларини монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари жараёнида ушбу соҳада мавжуд бўлган курсатма ва норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя этиш, шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳужжатларини тузиш ва олиб бориш.</p>
10. Изоҳ:	<p>* Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар. ** Монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчилар, юридик шахснинг доимий штатда бўлиши, шу жумладан, ўзаро шартнома тузган ҳолда мутахассисларни ёки субподрат ташиқлотларини жалб этиши мумкин.</p>

Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаш ёки тугатиш ҳақидаги хабарномаларни “Лицензия” АТ орқали юбориш кетма-кетлиги.

1-қадам. Тасдиқнома олиш учун аризачининг маълумотларини киритиш



ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT XIZMATLARI
AGENTLIGI

Аризачи маълумотлари

Бош саҳифа | Олдингиси | Кейингиси

• Ҳужжат тури
Фуқаро паспорти

• ЖШШИР
XXXX XXXX XXXX XX

• Паспорт серияси ва рақами
AA xxxxxxx

• Исм
Искандар

• Фамилия
Нурматов

Шариф
Рустамович

• Тугилган сана
08.03.1983

• Жинс
Эркак


• Телефон рақам
+998 XX XXX-XX-XX

Электрон манзил

10 та қадамнинг 1-чиси

Отправляйте нам сообщение

2-қadam. Ташкилот тўғрисидаги маълумотлар

 ADI IYVA VAZIRLIGI
DAVLAT TASHKILLARINI
REKONSTRUKTSIYA QILISH VA
TARQILISH VAZIRLIGI

Тасдиқнома олиш учун ариза

- Ариза №41250
- Бизнинг автоматик тарафда ўнгириш ва ёниги сизни қўллаб-қувватлаш курашларини монтаж қилиш, соғалтиш, таъмирлаш ҳамда уларга тегишли хизмат кўрсатиш

10 та қадамнинг 2-чиси

Ташкилот маълумотлари

[Бош саҳифа](#) [Сўраш](#) [Қўриқ](#)

Юридик шахс ҳақида маълумотлар

* Ташкилот СТИРи

307 011 020

* Ташкилот номи

"O" ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI

* Фойлият тури

74000

* Худуд

Тошкент шаҳри

* Туман (шаҳар)

Тошкент

Шаҳарча / ҚФЙ

Тошкент

* Манзил

SH.RASHIDOV KO'CHASI, 17-UY

Ташкилий ҳудудий шакл

Muavaza

Давлат рўйхатидан ўтган сана

09.01.2020

Телефон рақами

+998 98 312 17 07

Электрон манзили

Ташкилотнинг бани реквизитлари

* Бани номи


Тошкент

* Бани коди

* Ташкилот ҳисоб рақами

[Отправьте нам сообщение](#)

3-қadam. Фаолият турларини танлаш

 **ADLIYA VAZIRLIGI**
DAWLAT BIZNATLARI
AGENTLIGI

Тасдиқнома олиш учун ариза

- Ариза №41250
- Ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш

10 та қадамнинг 3-чиси

Фаолият турлари

[Бош саҳифага](#)

[Олдингиси](#)

[Кейингиси](#)

- Ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ускуналарини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти
- Ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти
- Ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти ёки унинг бир қисми

[Отправьте нам сообщение](#)

4-қадам. Фаолият буйича шуғулланадиган иш раҳбарининг шахсий маълумотларни киритиш

РАҲБАР МАЪЛУМОТЛАРИ

Фаолият буйича шуғулланадиган раҳбар маълумотлари

* Хужжат тури

Ташкилот

* ЖШСДНП (хидмати учун паспорт серияси ва рақами ҳам киритилиши керак)

ЖШСДНП серияси ва рақами

* Паспорт серияси ва рақами (хидмати учун ЖШСДНП ҳам киритилиши керак)

Паспорт серияси ва рақами

* Исм

Исм

* Фамилияси

Фамилияси

Шарифи

Шарифи

* Туғилган санаси

Туғилган санаси

* Жинси

Ташкилот

Телефон рақами

Телефон рақами

Электрон маъилати

Электрон маъилати

Иш жойи

Хидматнинг иш жойи маълумотлари "Иш жойи маълумотлари" бўлимида киритилиши керак. Хидматнинг иш жойи маълумотлари "Иш жойи маълумотлари" бўлимида киритилиши керак.

* Паспорт

Паспорт

* Иш жойи бўлими

Иш жойи бўлими

* Бўйруқ рақами

Бўйруқ рақами

* Бўйруқ санаси

Бўйруқ санаси

* Меркат стажини тасдиқловчи ҳужжатнинг сканерланган нусخаси

Меркат стажини тасдиқловчи ҳужжатнинг сканерланган нусхаси

10 та қадамнинг 4-чиси

Оқибатдаги қадамлар

5-қadam. Фаолият буйича шуғулланадиган иш раҳбарининг таълим тўғрисидаги маълумотлар ва илова қилинадиган (юкланадиган) тегишли ҳужжатлар электрон шаклда (PDF, PNG ёки JPEG форматда) киритиш

ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT XIZMATLARI
AGENTLIGI

Тасдиқнома олиш учун ариза

- Ариза №41250
- Ёнгинни автоматик тарзда учиритиш ва ёнгин сигнализацияси ҳурималарини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник ёрнат курсатиш

10 та қадамнинг 5-чиси


Раҳбар таълим маълумотлари

Баш саҳифага | Олдингиси | Кайтигимсиз

Фаолият билан шуғулланадиган раҳбар маълумотлари

Таълим муассасасининг номи, Дипломнинг серия ва рақами, Диплом рўйхатдан ўтган санаси, Мутахассислиги, Давлат, Ўқишга қабул қилинган йили, Ўқишни тугатган йили, Дипломнинг сканерланган нусхаси

Қўшиш



Ҳужжатларнинг нострификацияси тўғрисидаги маълумотлар


Ҳужжатнинг серияси ва рақами, Ҳужжатнинг сканерланган нусхаси

Қўшиш

Малака оширганлиги тўғрисидаги маълумотлар


Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами, Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг санаси, Ҳужжатнинг сканерланган нусхаси

Қўшиш



Отправьте нам сообщение | jivo

6-қadam. Юридик шахсининг фаолият олиб борадиган манзилини кўрсатиш (кадастр рақами орқали)



ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT XIZMATLARI
AGENTLIGI

Тасдиқнома олиш учун ариза

- Ариза №41250
- Ёнгини автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш

10 та қадамнинг 6-чиси

Фаолият манзили

Бош саҳифага | Олдингиси | Кейингиси


Фаолият олиб бориш манзили

Кадастр маълумотлари, Кадастр рақами, Фаолият кўрсатиш манзили, Худуд, Туман (шаҳар), Шаҳарча / ҚФЙ, Кўча, уй, хонадон, Харита, Эгаллик ҳуқуқи, Ижара шартномасининг сканерланган нусхасини юклаш

Қўшиш

Отправьте нам сообщение vivo

7-қadam. Фаолият буйича шуғулланадиган иш бажарувчилар тўғрисидаги шахсий маълумотларни киритиш




ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT XIZMATLARI
AGENTLIGI

Тасдиқнома олиш учун ариза

- Ариза №41250
- Ёнгинни автоматик тарафдан ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш

10 та қадамнинг 7-чиси



Иш бажарувчилар


[🏠 Бош саҳифага](#)[🔄 Олдингиси](#)[Кейингиси 🔄](#)

Ходимларнинг шахсий маълумотлари

Ҳужжат тури, ЖШШИР (қидириш учун паспорт серияси ва рақами ҳам киритилиши керак), Паспорт серияси ва рақами (қидириш учун ЖШШИР ҳам киритилиши керак), Исми, Фамилияси, Шарифи, Тугилган санаси, Жинс, Телефон рақами, Электрон манзили, Иш жойи, Лавозими, Иш жойи бўлими, Буйруқ рақами, Буйруқ санаси

[📄 Қўшиш](#)[✉ Отправьте нам сообщение](#)[🗨](#)

8-қadam. Фаолият буйича шуғулланадиган иш бажарувчиларнинг таълим тўғрисидаги маълумотларни киритиш



ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT XIZMATLARI
AGENTLIGI

Тасдиқнома олиш учун ариза

- Ариза №41250
- Ёнгини автоматик тарзда ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш

10 та қадамнинг 8-чиси

Иш бажарувчи ходимлар маълумотлари

[Бош саҳифага](#) [Олдингиси](#) [Кейингиси](#)

Ходимларнинг таълим маълумотлари

Иш бажарувчи ходим, Таълим муассасасининг номи, Дипломнинг серия ва рақами, Диплом рўйхатдан ўтган санаси, Мутахассислиги, Давлат, Ўқишга қабул қилинган йили, Ўқишни тугатган йили, Дипломнинг сканерланган нусхаси, Нострификация гувоҳномасининг маълумотлари, Хужжатнинг серияси ва рақами, Хужжатнинг сканерланган нусхаси, Малака оширганлиги тўғрисидаги маълумотлар, Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами, Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг санаси, Хужжатнинг сканерланган нусхаси

Қўшиш

Отправьте нам сообщения 1/10

9-босқич. Талаб ва шартлар (танишиб чиқиб сўнгра белгилаш зарур)

Тасдиқнома олиш учун ариза

- Ариза №41250
- Ёнгишни автоматик тарзда ўчириш ва ёнгиш сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, соғаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш

10 та қадамнинг 9-чиси

Талаблар ва шартлар

Бош саҳифа | Олдингиси | Қабул қиламан

Мазкур аризанинг натижаси бўйича сизга лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатлари тақдим этилса ёки фаолиятни бошлаш юзасидан хабардор қилаётган бўлсангиз, фаолиятингизни амалга ошириш давомида қуйидаги талаб ва шартларга қатъий амал қилишингиз лозимлигини маълум қилган ҳолда ушбу талаблар бажарилмаганлик ҳолати аниқланганда эса қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш чораси кўрилиши мумкинлиги ҳақида эслатиб ўтамиз:

Юридик шахснинг доимий штатида электроника ва асбобсолик, информатика ва ахборот технологиялари ва электротехника соҳасида "муҳандислик" йўналиши бўйича олий маълумотга, шунингдек ушбу йўналишлар бўйича ҳамда уч йил иш стажига ҳамда ёнгиш автоматик тарзда ўчириш ва ёнгиш сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, соғаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган ишларнинг раҳбари мавжуд бўлиши.

Ишлар раҳбари тегишли ихтисослик бўйича ҳар тўрт йилда ҳамда бир мартаба махсус тайёргарликдан ўтиб малакасини ошириши ва буни тасдиқловчи тегишли ҳужжатга эга бўлиши.


Иш бажарувчилар қуйидаги тегишли малака, касб-қунар, техник маълумот(га) ёки йўналиш бўйича махсус курсларни тугатганлиги тўғрисида ҳужжатга эга бўлишлари шарт: ёнгиш автоматик тарзда ўчириш монтаж қилиш, соғаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича: қўлда электр пайвандловчи (газ билан пайвандловчи) ёки санитария-техник ускуналарни монтаж қилувчи 4-разряддан паст бўлмаслиги; ёнгиш сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, соғаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича: электроника ва электротехника соҳасида 3-разряддан паст бўлмаслиги.

Юридик шахс доимий штатида бўлган ёки айрим ишларни бажариш учун ўзaro шартнома тузиш орқали жалб этилаётган субудраг ташкилот мутахассисини тегишли касб-қунар ёки техник маълумоти ва малакаси бўйича разрядини кўрсатиб ўлиши.

Хабардор этиш тартибидagi фаолиятни амалга ошириш учун қуйидаги моддий-техника база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжуд бўлиши: комбинациялаштирилган прибор (қурилма маркаси кўрсатилсин); мегометр(қурилма маркаси кўрсатилсин); шумомер (қурилма маркаси кўрсатилсин); электр қавшарлагич (электрочапчак); электр перфоратор; электр пирамидаста (электродреп); чилангар асбоблари тўплами; электр монтаж асбоблари тўплами; монтаж қилувчининг каскаси; монтаж қилувчининг белбоғи; шиланга; ички ёки ташқи қўлқоп; илмаласосор йўналиши автоматик тарзда ўчириш асбоблари ички таъмир этилган; ёнгиш сирти www.azotek.com.az

Отправить нам сообщение

10-босқич. Тасдиқнома олиш учун тўловни амалга ошириш

 ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT XIZMATLARI
AGENTLIGI

Тасдиқнома олиш учун ариза

- Ариза №41250
- Ёнгики автоматик тарада ўчириш ва ёнги сигналзацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш


10 та қадамнинг 10-чиси

Тўлов

Бош саҳифа Олдингиси Тўлов долатини текшириш

Орқали тўлаш:

Оклайн банк Банк кассаси орқали Пластик карта

АРИЗА РАҚАМИ 41250	Давлат хизматлари маркази - Yunusobod tumani	
	Қабул қилувчи номи: Молия Вазирлиги Ягона Газна ҳисобвараги	
	Ҳисоб рақамлари: 2340 2000 3001 0000 1010	
	Шахсий ҳисоб рақами: 40142 28606 26266 34224 81255	
	Банк коди: 00014	
Силдирма 2022-01-20	Тўлов маълумотлари: ID: 80989318454515, Yong'in avtomatik o'chirish va yong'in signalizatsiya tizimlarini o'rnatish, sozlash, ta'mirlash va texnik xizmat ko'rsatishni boshlash yoki tugatish to'g'risida xabar berish uchun yig'im - AIS litsenziyasi, "O" ZBEKISTON RESPUBLIKAS	
Тўловни амалга ошириш усуллари: 1. Тўлов тизимларида (Bpay, Click, Rupee ва бошқалар) "Давлат хизматлари агентлиги" хизмати орқали; 2. Юридик шахслар томонидан пул ўткази йўли орқали. Бунда "Тўлов мақсади"да инвоис рақами киритилиши лозим, инвоис рақами дан олдин ва кейин бундай код қўйилганда: Намуна: ID: 80989318454515, Yong'in avtomatik o'chirish va yong'in signalizatsiya tizimlarini o'rnatish, sozlash, ta'mirlash va texnik xizmat ko'rsatishni boshlash yoki tugatish to'g'risida xabar berish uchun yig'im - AIS litsenziyasi, "O" ZBEKISTON RESPUBLIKAS 3. Банк кассалари орқали, "МУНИС" тизимида тўлов 0204 хизмати орқали амалга оширилиши лозим.	ИНВОИС РАҚАМИ 8098 9318 4545 15	ТўЛОВ СУММАСИ 135 000 сум

Тўловни амалга ошириш

Отправляйте нам сообщения

МУНДАРИЖА

1.	Кириш.....	3
2.	I-боб. Умумий қоидалар.....	5
3.	II -боб. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаб ва шартлари.....	7
4.	III-боб. Хабарнома юбориш ва уни ҳисобга олиш тартиби.....	7
5.	IV-боб. Фаолиятни назорат қилиш тартиби.....	10
6.	V-боб. Хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини тўхтатиш, қайта тиклаш ва тугатиш тартиби:	11
	§-1. Фаолиятни тўхтатиш	11
	§-2. Фаолиятни қайта тиклаш.....	13
	§-3. Фаолиятни тугатиш.....	13
7.	VI-боб. Ваколатли орган ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ва уни кўриб чиқиш тартиби.....	16
8.	VII-боб. Яқунловчи қоидалар.....	16
9.	1-илова. “Лицензия” АТ орқали автоматик тарзда шакллантириладиган, матрицали штрих кодга (QR-код) эга бўлган тасдиқнома.....	18
10.	2-илова. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори билан тасдиқланган ягона Низомга 9-иловасида келтирилган фаолият паспорти.....	19
11.	3-илова. Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаш ёки тугатиш ҳақидаги хабарномаларни “Лицензия” АТ орқали юбориш кетма-кетлиги.....	21-30